**“APPROVED”**

**The Extraordinary General Meeting of Shareholder of “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” JSC**

**« 14 » august 2019 й**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида**
**« 14 » август 2019 й**

# REGULATION ON THE DIVIDEND POLICY OF JOINT-STOCK COMPANY “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

# “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

**Kokand 2019**

**Қўқон 2019 й**

## Contents / Мундарижа

## I. General provisions

1.1. This Provision is approved by the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Actors' Rights”, the Charter of “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” Joint Stock Company, Minutes of the Meeting of the Commission dated December 31, 2015 The basic principles of dividend policy in a proper society determine the procedure for making a decision to pay dividends and calculating the amount of the dividend.

1.2. This Provision sets the procedure for calculating and paying dividends to shareholders at JSC “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals”

**1.3. Basic concepts.**

The following basic concepts are used in this Regulation:

**Dividend -** is a part of the net profit of the company, distributed among shareholders according to the number and type of shares owned by them.

**Annual General Meeting of Shareholders -** election of the Supervisory Board and Audit Commission (Auditor) of the Company, appointment of auditors of the Company, conclusion of contracts with the executive body of the Company, prolongation or cancellation of the contract; general meeting of shareholders held for consideration of distribution and other issues.

**The owner of securities -** a legal or physical person whose securities belong to the right of ownership or any other proprietary right;

**a person entitled to receive dividends -** an individual or a legal entity who has the right to receive dividends and is included in the list of dividends.

**Dividend decision (announcement) -** decision (announcement) of the general meeting of shareholders on payment of dividends for legal entities and individuals entitled to receive dividends at the end of a certain period.

**Terms of dividend payment -** term of payment of dividends, established by the charter of the

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Узбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, жамият Устави, «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошкарув тизимини такомиллаштириш» комисиясининг 2015 йил 31 декабрь 9-сонли йигилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ да акциялорларга дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш тиртибини белгилайди.

**1.3. Асосий тушунчалар.**

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Дивиденд** - акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланувчи жамият соф фойдасининг тақсимланадиган қисмидир.

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши -** Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш, жамият аудиторларини белгилаш, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан шартномалар тузиш, шартноманинг муддатини узайтириш ёки бекор қилиш, жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун ўтказилувчи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.

**қимматли қоғозлар эгаси -** қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**дивиденд олиш хукукига эга булган шахс -** дивиденд олиш хукукига эга булган ва дивиденд олувчилар руйхатига кушилган жисмоний ёки юридик шахс.

**дивиденд тулаш хакида карор(эълон) -** жамият акциядорлари умумий йигилишининг маълум бир давр якуни буйича дивиденд олиш хукукига эга булган юридик, жисмоний шахслар учун дивиденд тулаш хакидаги карори(эълони).

**дивиденд тулаш муддатлари –** жамият уставида курсатилган ва жамият

Company and according to the decision of the general meeting of shareholders of the company.

**The form of dividend payment** - is a type of money or legal tender, issued by the decision of the general meeting of shareholders.

**Dividend payment** - payment or transfer of funds established by law to a person entitled to receive dividends.

акционерлари умумий йиғилиш карорига кўра дивиденд туланиши буйича олинган мажбурият муддати.

**дивиденд тўлаш шакли** – жамият акциядорларининг умумий йигилиш карори буйича берилувчи пул ёки конуний тулов воситасининг тури.

**дивиденд тўлаш –** конун бўйича дивиденд олиш хукукига эга булган шахсга белгиланган маблагнинг туланиши ёки хисоб ракамига утказилиши.

## II. Procedure for Dividend Payment Decision Making.

2.1. The Company has the right to make a decision on payment of dividends on placed shares based on the results of the first quarter, half-year, nine months of the financial year and (or) according to the results of financial year, unless otherwise established by the Law and the Company's Charter.

The decision of the Company to pay dividends based on the results of the first, half and nine months of the financial year can be made within three months after the end of the respective period.

2.2. The decision on the payment of dividends on each type of stock, the size of the dividend, the form and order of its payment shall be made by the general meeting of shareholders based on the financial report data in the presence of the recommendation of the Supervisory Board and the auditor's opinion on the reliability of the financial statements. The amount of dividends may not exceed the amount recommended by the Company's Supervisory Board.

2.3. The General Meeting of Shareholders has the right to make a decision on non-payment of dividends on certain types of shares, as well as on the payment of incomplete dividends on preferred shares, the charter of which is established by the company's charter.

2.4. Dividend may be paid in cash or other legal tender or securities of the company by the decision of the general meeting of shareholders.

## II. Дивидент тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул килиш тартиби.

2.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, Қонун ва жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

2.2. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

2.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

**III. The amount of dividends and the order of their payment.**

3.1. Dividends are paid out of the net profit of the company, and (or) retained earnings of previous years. Dividends on preferential shares may also be paid at the expense of specially designed funds of the company.

3.2. According to the decision of the General Meeting of Shareholders in case of profit at the end of the financial year, at least 50% of the net profits may be directed to the development of production, incentives and other funds on the condition that they pay dividends on the shares and capitalize the remaining part.

The General Meeting of Shareholders may make a decision on the non-dividend of net income for the implementation of major investment projects in the Company on the basis of the decision of the General Meeting of Shareholders.

It is envisaged that the funds allocated for the implementation of investment projects will be capitalized into the authorized fund upon the decision of the general meeting of shareholders.

3.3. Payment of dividends calculated by the Company on ordinary shares shall be made subject to the equal rights of shareholders to receive dividends.

3.4. When paying dividends, dividends are paid on preference shares and then on ordinary shares.

The company has no right to refuse to pay dividends to the owners of these shares if there is sufficient profit to pay fixed dividends on preferential shares. In the event of a denial by the Company, shareholders may require the payment of dividends in a judicial proceeding.

3.5. The Company does not calculate and pay dividends on unplaced shares, shares acquired and /

**III. Дивиденд миқдори ва уларни тўлаш тартиблари.**

3.1. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

3.2. Жамият молиявий йил якуни буйича фойда билан чиккан такдирда акциядорлар умумий йигилиши қарорига асосан соф фойданинг камида 50 фоиз қисмини акциялар буйича дивиденд тулаш учун, қолган кисмини эса устав жамгармасига капиталлаштириш шарти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, рағбатлантириш ва бошқа жамғармаларни шакллантиришга йуналтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган инвестиция дастурларига киритилган, шунингдек жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятда йирик инвестиция лойиҳалари амалга ошириш учун йил якуни бўйича соф фойдадан дивидендга ажратмаслик тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши қарор қабул қилиши мумкин.

Бунда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилган маблағлар акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан устав фондига капитализация қилиниши кўзда тутилади.

3.3. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

3.4. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

3.5. Жамият жойлаштирилмаган акциялар, жамият томонидан олинган ва/ёки

or repurchased by the Company, and in other cases specified by the legislation of the Republic of Uzbekistan.

3.6. In case the company does not have sufficient profit or loss, dividends on preference shares shall be paid by the Company only at the expense of the Company's reserve fund and within the limits of this Charter.

3.7. Company shall, upon the written request of a non-resident shareholder of the Republic of Uzbekistan, convert its accrued dividends into freely convertible currency and transfer funds to a bank account represented by a non-resident shareholder.

The basis for the exchange is the extract from the register of shareholders of the company, the statement of the Company and the accounting book of the company on the amount of dividends and their accrued dividends.

**IV. The right to receive dividends.**

4.1. The persons registered in the register of shareholders of the company formed to hold the general meeting of shareholders, in which the decision on payment of dividends to shareholders is adopted, have the right to receive dividends on shares.

4.2. In case of non-fulfillment of obligations by the Company, the shareholders have the right to demand payment of dividends in court.

**V. Terms of dividend payment.**

5.1. Terms and order of payment of dividends are established by the charter of the Company or the decision of general meeting of shareholders. The date of payment of the dividends should not exceed sixty days from the date such decision was made.

5.2. Dividends not claimed by the owner or legal successor or heir within three years remain at the disposal of the company by the decision of the general meeting of shareholders.

қайта сотиб олинган акциялар бўйича ҳамда Узбекистон Республикаси конунчилигида кўрсатилган бошқа ҳолатлар буйича дивидендлар ҳисобламайди ва тўламайди.

3.6. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида Уставда кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**IV. Дивиденд олиш хуқуқи.**

4.1. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Жамият ўз мажбриятларини бажармаган тақдирда, акциядорлар дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақди.

**V. Дивиденд тулаш муддатлари.**

5.1. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.2. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

**VI. Liability for payment of declared dividends.**

6.1. The company must pay declared dividends on some type of stock.

6.2. Executive body of the Company bears responsibility for full and timely payment of dividends to shareholders. The Supervisor Board together with the Audit Commission oversees the actions of the executive body of the Company.

6.3. According to the legislation of the Republic of Uzbekistan the Company is not entitled to pay dividends on shares in the following cases:

until the charter capital of the company is fully paid at the time of its establishment;

if there are signs of bankruptcy in the company at the time the dividends are paid or such signs appear in the company as a result of the payment of dividends;

if the value of net assets of a company is less than the sum of its authorized capital (charter capital) and reserve fund,

Upon termination of the cases specified in this Article, the Company shall pay to shareholders the calculated and declared dividends.

**VII. Notification of Shareholders on Dividend Payment.**

7.1. The Company shall declare the amount of the dividends, excluding their taxes. The Company shall publish information on the amount of dividends to be paid on the official websites of the authorized state body on regulation of the securities market and the Company in the terms established by the legislation.

7.2. The Company shall publish information on the paid dividends on the official web-site of the authorized state body on regulation of the securities market and the Company in the form established by the legislation.

7.3. The dividend payment announcement must contain the following information:

- The dividend size;
- methods of payment;
- terms of payment.

**VI. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича жавобгарлик.**

6.1. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

6.2. Жамият ижро органи акциядорларга дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Жамият Кузатув кенгаши жамият Тафтиш комиссияси билан бирга жамият ижро органининг ҳаракатларини назорат қилади.

6.3. Жамият Узбекистон Республикаси конунчилигига асосан куйидаги холатларда акциялар бўйича дивиденд тўлашга хақли эмас:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса,

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган ва эълон килинган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

**VII. Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш.**

7.1. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

7.2. Жамият тўланадиган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни мухим фактлар тўғрисидаги хабар шаклида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.3. Дивиденд тўлаш тўғисидаги карор (эълон)да қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- дивиденд миқдори;
- тўлов усуллари;
- тулов муддатлари.

**VIII. Non-paid (unpaid) dividends.**

8.1. In case of non-payment (non-receipt) of the Company's fault within the terms established by the General Meeting of Shareholders, the dividend is a penalty based on refinancing rates established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan.

The amount of penalties accrued on unpaid (unpaid) dividends may not exceed 50% of the amount of unpaid (unpaid) dividends.

8.2. The Shareholders has the right to demand payment of dividends and penalties from the company accrued by the court.

8.3. A shareholder must timely inform the investment intermediary and / or the Central Securities Depository, which provides services to record the rights to its shares, about any changes in its information.

The Company is not responsible for any damage to the shareholder as a result of untimely submission of information about changes in the shareholder's data.

**IX. Final rules.**

9.1. This Regulation, as well as amendments and additions to it, shall be approved by the decision of the general meeting of shareholders.

9.2. Changes and additions to the present Regulation will be made on the proposal of the Company's Supervisory Board, the Audit Commission, the employee of the Company's Internal Audit Service, and the Director General, as a result of legislative changes.

9.3. In the event of a conflict of provisions of the current legislation of the Republic of Uzbekistan and / or the Charter of the Company, these clauses shall be null and void and the current legislation of the Republic of Uzbekistan and / or the Charter of the Company shall be effective.

**VIII. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар.**

8.1. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

8.2. Акциядорлар жамиятдан ажратилган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

8.3. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Акциядор ўзига оид маълумотларни ўзгарганлиги хақидаги ахборотларни ўз вақтида тақдим этмаслик натижасида акциядорга етказилган зарар учун жамият жавобгар бўлмайди.

**IX. Якуний қоидалар.**

9.1**.** Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият акциядорларининг умуий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

9.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, жамият ички аудит хизмати ходими, жамият Бош директори таклифига кўра киритилади.

9.3. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва/ёки жамият Уставига зид келган тақдирда ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтга қадар бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва/ёки жамият Устави меъёрлари қўлланилади.